

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Ўринов, Д.Усмонов Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун Коши-Гурса масаласи	6
А.Ғойипов Бир номаълумли модулли тенгламаларни ечишнинг бир усули ҳақида	18

КИМЁ

Х.Юлдашев, Ю.Мансуров Автомобиль чиқинди газларини каталитик тозалаш	25
Ғ.Мадраҳимов, М.Ҳожиматов, И.Асқаров 1-(2-карбокисфенил)-1'-п-метил оксиферроценил тиюамид синтези ва унинг биостимуляторлик хоссалари	31
Ш.Каримов, Н.Хабибуллаева, А.Хаитбаев <i>Leptinotarsa decemlineata</i> (Say) таркибидан хитозан ажратиш олиш	36
И.Асқаров, Ф.Абдугаппаров, М.Хожиматов Амигдалиннинг кимёвий хоссалари ва инсон саломатлигига таъсири	42
А.Йўлчиев, К.Джамолов, И.Асқаров, М.Мўминов Мувозанатлаштирилган гранулаланган омихта ем таркибини бойитиш	49
Х.Исмоилов, О.Саримсоқов, С.Хайдаров Пахта пневмотранспорти учун материал ўтказгич конструкциясини ишлаб чиқиш	53
У.Мараимова, И.Жалолов, Г.Бегматова, С.Арипова Ўзбекистонда ўсадиган <i>goetmeria hybrida</i> даги кимёвий элементларнинг микдорий таркибини аниқлаш	57

Ижтимоий-гуманитар фанлар

Г.Халматжанова, А.Ғофуров Кластер тизими ривожда сув ресурслари салоҳиятини ошириш	62
--	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

И.Сиддиқов Ўрта асрлар ислом ғоносеологияси ва теологиясининг ўзаро синтезлашуви	68
--	----

ТАРИХ

М.Исамиддинов Қадимги Марғиёна ва Бақтрия ҳудудидаги яз-ii археологик комплексларини даврлаштириш масалалари	75
И.Мамадалиев, Тим Брэгер Ўрта Осиё Россия империяси таркибида	79
Р.Арслонзода Ўзбекистонда мактаб тарих таълими тизимининг шаклланиши	85
А.Йўлдашев XX асрнинг 20-йилларида европада таълим олган ўзбек қизи	90
Д.Абдуллаев XX асрда Ўзбекистон аҳолиси тақдирланишининг архив манбаларида акс эттирилиши	95
Н.Рахматова Мустақил Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда каштачилик ва касаначиликнинг ўрни	102

УДК: 63+333.93

КЛАСТЕР ТИЗИМИ РИВОЖИДА СУВ РЕСУРСЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ

ПОВЫШЕНИЕ ПОТЕНЦИАЛА ВОДНЫХ РЕСУРСОВ В РАЗВИТИИ КЛАСТЕРНОЙ СИСТЕМЫ

INCREASING THE CAPACITY OF WATER RESOURCES IN THE DEVELOPMENT OF THE CLUSTER SYSTEM

Халматжанова Гулчехра Джурабаевна¹, Гофуров Ахмадали²

¹Халматжанова Гулчехра Джурабаевна – Фарғона давлат университети, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

²Гофуров Ахмадали – Фарғона давлат университети, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Аннотация

Мақолада аҳоли сонининг тобора ортиб бориши натижасида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларга бўлган эҳтиёжларнинг тинмай ўсиши қишлоқ хўжалиги ва кластерлашган агросаноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни тақозо этади. Бунда сув ресурслари алоҳида аҳамият касб этиши тўғрисида фикр юритилади.

Аннотация

В результате постоянного роста численности населения растут потребности в продовольственных и непродовольственных товарах, что требует увеличения объемов производства продукции в сельскохозяйственных предприятиях и в агропромышленных кластерах. В статье рассуждается о важном значении водных ресурсов при выполнении этой задачи.

Annotation

As a result of the constant growth of the population, the demand for food and non-food products is growing, which requires an increase in the volume of production in agricultural enterprises and in agro-industrial clusters. This article discusses the importance of water resources in fulfilling this task.

Таянч сўз ва иборалар: кластер, агросаноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари, кластерлашган тармоқлар, суғориш тармоқлари, суғориладиган майдонлар, озиқ-овқат ҳавфсизлиги.

Ключевые слова и выражения: кластер, агропромышленные отрасли, сельское хозяйство, водные ресурсы, кластерные отрасли, ирригационные сети, орошаемые площади, продовольственная безопасность.

Key words and expressions: cluster, agro-industrial sectors, agriculture, water resources, clustered sectors, irrigation networks, irrigated areas, food security.

Агросаноат тармоқларида сув ресурслари бошқа табиий ресурслар (ер, ҳаво, иқлим) каби заҳиралар билан бирга, айниқса, кластерлашган тармоқларда мамлакатимиз ва унинг алоҳида минтақаларида ҳам ялпи ички ҳудудий маҳсулотни яратишда сув миллий бойликнинг муҳим қисмидир.

Ҳозирги глобаллашув шароитида аҳоли сонининг тобора ортиб бориши, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан ўсиб бораётган қишлоқ хўжалиги ва кластерлашган агросаноат маҳсулотлари ҳисобига эҳтиёжларини қондириш ҳамда мазкур ҳудудлар ва суғорма зоналарда етиштирилаётган деҳқончилик маҳсулотлари улушини ва экспорт салоҳиятини оширишни таъминлашда, аҳолини иш билан бандлик миқдорини оширишда, даромадини кўпайтиришда сув ресурслари асосий манбалардан биридир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги шароитда иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган лаёқатли меҳнат қилаётган аҳолининг 30 фоизга яқинини, ялпи ички маҳсулотининг 33 фоиздан зиёдини агросаноат йўналиши улушига тўғри келади. Ундан ташқари, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш ҳам мазкур соҳани келажак тараққиёти сув билан чамбарчас боғлиқ.

Лекин албатта, агросаноат тармоқларидаги бу каби муҳим вазифалар ва улар маҳсулотига талаблар ижросини сув хўжалиги истиқболсиз ва тараққиётсиз тассавур этиб бўлмайди. Қишлоқ ва сув хўжалигининг бугунги кундаги маълумотларига кўра, мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар 4 миллион 500 минг гектар суғориладиган ва қисман лалмикор майдонлардан, шундан 3 млн 600 минг гектар

ИҚТИСОДИЁТ

суғориладиган майдонларида ишлаб чиқарилади. Суғориш тармоқларидан сувдан фойдаланишда бошқа бир қатор тармоқларида ҳам амалга оширилади. Бу сув ресурсларидан фойдаланувчи сув истеъмолчи тармоқ ва соҳалар, фермерлар, кластерлар ва унинг ички корхона ва ташкилотларининг асосий вазифаси фойдаланган сувни ҳисобга олиш, тақсимлаш, тартибга солиш, қўриқлаш, тежаб-тергаб сақлаш ва уларни доимо ўрганиб бориш, ҳамда бошқариб бориш гидротехника ва гидропост иншоотлари ва объектларини сақлаш, қуриш, мавжудларини таъмирлаб туриш, ер юзасидаги ва ер ости сувларидан мажмуавий тежаб фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқларига етказилиши мумкин бўлган ортиқча сувдан зарарлардан экологик олдини олиш, сел келишига қарши курашиш каби вазифалар ташкил этилади. Ер юзидаги ва ер остидаги зах сувларнинг оқова сув турлари, сув ресурслари деб юритилади.

Жаҳон сув ресурслари бўйича олимларнинг маълумотларига кўра, ер юзида фойдаланадиган сув миқдорининг 92 фоизи қишлоқ хўжалигида фермерлар, кластерлар томонидан, 5 фоизи саноат соҳасида, қолган 2 фоиздан сал ортиқроғи аҳоли ичимлиги учун, коммунал, уй-жой, маиший хизмат (ошхона, ресторан, тўйхона, сарторошхона, соғлиқни сақлаш, гигиена каби) соҳаларида сарфланади.

Журналистларнинг оммавий ахборотларидаги хабарлари асосида, айтиш жоизки, саноатда, коммунал, уй-жой хўжаликларида ва оила уй-хўжаликларида сарфланадиган сувлар ер остига шимиб кетади. Аҳолининг ичимлик суви жами сувнинг 2 фоизини ташкил этиб қайтиб келмайди.

Дунё миқёсидаги глобал иссиқлик даражаси ошиб бориши оқибатида сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш муаммоси глобал муаммога айланиб бораётган бугунги кунда, БМТнинг минг йиллик тараққиёт мақсади (МТМ)доирасида жаҳон ҳамжамиятида инсоният ривожининг кўплаб масалалари, жумладан, 2003 йилдаги БМТ томонидан 2003 йилни халқаро “Тоза сув йили” деб эълон қилинганлиги, сўнги йилларда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “сув-ҳаёт учун” таклифи асосида халқаро ҳаракат ўн йиллиги ўтказилаётганлиги муносабати билан 2025 йилда Ер юзи аҳолисининг ярмидан кўпи, шу жумладан, орол бўйи Қорақалпоғистонда ҳам, сув танқислиги ёки сув ташкилотларидан зарар кўриб яшаш хавф-хатарини олдини олишга қаратилгани БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси Ялпи мажлисида Ўзбекистон

Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таклифи билан Оролбўйи Минтақасини сув ресурслари билан таъминлаб “экологик инновация ва технологиялар ҳудуди”, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резалюцияси бир овоздан қабул қилинди.

Орол денгизи сув танқислиги сабабли унинг сув сатҳининг қуриши ҳисобига Ўзбекистонда ҳозирги қарийб 10 миллион гектар майдон тубдан суғорилиб яхшиланишига муҳтож бўлиб турганда, яна 3 миллион гектардан ортиқ майдонда “оролқум” саҳроси вужудга келди. Натижада ушбу 13 миллион ҳудудда қуриш, чўлланиш, экологик оғир вилоят ва муҳит жараёни янада ёмонлашиб ижтимоий муаммога айланди.

Кенг кўлами мураккаб сув танқислиги муаммолари иқтисодиётининг кўп тармоқлари ва комплекс йўналишлари ҳамда ички ва ташқи бозор муносабатларининг шаклланиш шароитида ўта чегараланган ички сув ресурсларини талаб этади. Бу ва бошқа сув билан боғлиқ муаммоларни ҳар томонлама ечимида ички ва ташқи молиявий манбаларни сув ресурслари тақчиллиги шароитида жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги агросаноат кластерлаш тизимида ўтишга катта эътибор берилган бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган асосий суғориладиган ер майдонлари 4,5 миллион гектарни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, республикаимизнинг ҳудудларида бугун ва келгуси йилларда суғориш мавсумида ва шўр ювиш даврида сув таъминоти эҳтиёж меъёрига нисбатан 25-27 фоиз атрофида бўлиши тахмин қилинганлигини мўлжаллангани нафақат ҳаёт тарзини, ер ва сув ресурслари билан узвий боғланган миришкор сувчи ва деҳқонлар, балки барча сув таъминоти билан ҳаёт кечирадиган кластерлаш тизимини инсоният, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, моддий ва маънавий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиганлар ва хизмат тизимидаги ишчи-ходимларнинг ташвишга солаётгани маълумдир.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда йиллар давомида суғориш ва зах сувларни қочириш объектларининг ҳолати ёмонлашуви оқибатида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув заҳираларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини тежовчи замонавий

технологияларни амалиётга тизимли жорий этиш ҳамда ички ирригация (суғориш ариқларини) ва тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув ресурсларини ифлосланиш ва унинг исрофланишини камайтириш ва йўқотиш мақсадида стратегик фармон қабул қилинди. Бу чора-тадбирлар кластер хўжалигида ва уй-жой коммунал хўжаликларидан суғориладиган ерлардан ва сув ресурсларидан оқилон ва натижадорлик асосида фойдаланиш концепциясини мукамал ҳолда рўёбга чиқариш, уни ҳаётга янада самарали татбиқ қилишда ердан ва сувдан оқилон фойдаланувчиларни ўзаро биргаликдаги ишларини кенгайтириш лозимлиги муҳимлигига қаратилди.

Олимлар ва мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Фармонда тасдиқланган Қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ер ва сув ресурсларидан оқилон ва тежаб-тергаб фойдаланиши концепцияси доирасида 2019-2030 йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиққан жами бир миллион гектар, шу жумладан, 2019-2025 йилларда қишлоқ хўжалигидаги фермер ва аҳоли шахсий хўжаликларидан кам фойдаланилаётган 289 минг гектар суғориладиган экин майдонларини амалий фойдаланишга киритиш фақат халқимиз озик-овқат хавфсизлигини ва экоспортни қисман таъминлашга асос бўлади.

Президент Фармонининг амалга ошириш жараёнида ишсиз ёшлар, миграциядан қайтиб келганларга ярим ва бир гектардан ҳамда 20 сотихдан ғалладан бўшаган ер ресурслари ажратиб берилибгина қолмасдан, ер остидан сув чиқариб насос артезан станциялар қуриб берилди ва уларни ёлғиз ёки кооперация ташкил қилиш асосида улар уруғ билан таъминланди ва таъминланиб бормоқда. Кластер тизимига масъул бўлган Фермер хўжалигининг такрор экиладиган ер майдонларидан кластер аъзоларига, “темир дафтар” ва “ёшлар” дафтаридигиларга ҳам 25 сотихдан экин майдонлари берилиб, уруғ, сув, ўғитлар билан таъминланмоқда.

Шу мақсадда қараладиган бўлса, олдиндан белгиланган режага мувофиқ 2019 йилда 72,6 минг гектар, шундан 38,6 минг гектар қишлоқ хўжалигидаги оборотдан чиққан суғориладиган ер майдонлари ва 34 минг гектар ер майдонларидаги ер ости сув захираси мавжуд лалми ва ялпи ер майдонлари қишлоқ хўжалигига фойдаланиш учун оборотга киритилди.

Жамият ва инсон ҳаёт экан, сув ресурсларисиз яшай олмайди, ҳар қандай

мураккаб вазиятда ҳам, жумладан, коронавирус пандемияси шароитида ҳам, инсоннинг соғлом ва тўлақонли ҳаёт кечиришида сувнинг ўрни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Жаҳон экспертларининг олиб борган таҳлилларига кўра, инсон танасидаги сув миқдори, атига икки фоиз қисқарса, ақлий қобилиятлари ва имкониятлари йигирма фоиз пасайиб кетишини исботладилар.

Ўзбекистоннинг минтақалари ва ҳудудларидаги тоза оқин ичимлик сувлари, канализация тизимлари қишин-ёзин доимий ишлаб туриши, одамларнинг кундалик ўсиб бораётган эҳтиёжларини узлуксиз қондириб бориши, айниқса, мавсумий тайёргарлик масалалари кун тартибига ҳукумат томонидан бу муаммони қўйилишининг асосий сабаблари мана шундадир. Бошқача айтганда, минтақа ва ҳудуд аҳолисинигина эмас, балки бутун мамлакатда яшаётган, ирқидан, жинсидан, диний эътиқодидан қатъий назар, уларнинг саломатлиги ва инсон фаолияти бевосита тоза ҳамда сифатли ичимлик суви билан боғлиқ. Шунинг асосий сабабини очиб бериш мақсадида амалиётда жорий этиш учун Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисига йўналган Мурожаатномасида энг муҳим соҳалар қаторида сув хўжалигига ҳам тўхталиб сув ресурсларини тежайдиган технологияларни қўллаш ва қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини ижроси билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирликлари томонидан амалга оширилаётган ишлари ва Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида ахборот бериб туриши белгиланди. Уларнинг маълумотларида 2019-2024 йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган суғориладиган ер майдонларини сув билан таъминлаш асосида фойдаланилган 2011 йилда бир миллион гектар ер майдонларини ташкил этди. Шундан 59,3 минг гектар ер майдонларига қишлоқ хўжалиги экинлари экилди. Бундан ташқари, 17,8 минг гектар, шу жумладан 7,7 минг гектар ер майдонларида интенсив боғ, 10 минг гектар майдонда тоқзорлар, 65 гектар ерда иссиқхона ва 32 гектар ер майдонида янги тутзорлар барпо қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 апрелдаги йиғилиш баёни билан Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2020 йил апрель-май ойларида фойдаланишдан чиққан ва сув

ИҚТИСОДИЁТ

заҳираси мавжуд бўлган жами 38,4 минг гектар ер суғорма майдонларининг фойдаланишга киритиш белгилаб 143 та лойиҳанинг манзили тасдиқланган бўлиб, ушбу тадбирларни амалга ошириш учун 158,4 млрд сўм маблағ ажратилган. Ушбу маблағларни, яъни ер ости насос ёрдамида сув чиқариш жараёнида манзилли сарфлаш жараёнида айрим камчиликларга йўл қўйилганлигини Олий Мажлис кўмитаси йиғилишида депутатлар томонидан эътибор қаратилди. Хусусан, айрим туман ва вилоятлар ҳокимлиги ва мутасадди раҳбарлари томонидан кўрсатиб ўтилган Фармон билан тасдиқланган ҳозирги озиқ-овқат хавфсизлигини олдини олишга қаратилган Президент сиёсатига эътиборсизлик, қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан кластерлар тизимида ҳам самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 50-бандида кўзда тутилган ҳукумат топшириқларининг ижроси белгиланган муддатларда таъминланмаганлиги Сирдарё, Навоий, Тошкент вилоятларида ва айрим туманларда ажратилган маблағлар ўзлаштирилмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Республикада Иқтисодиёт тармоқларида сув истеъмолчилари томонидан сарфланаётган умумий сув ҳажмининг 90 фоизи агросаноатни кластерлаш тизимидаги фермер хўжаликларида, чорвачилигида, деҳқон хўжаликларида ва бошқа кластерлаш тизими билан бевосита ва билвосита узвий боғланган хўжаликларига тўғри келар экан, айниқса, сув танқислиги глобал исиш оқибатида сувга муҳтожлик даражаси ошиб боришда Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2020-2024 йилларда сув тежайдиган технологияларни ва инновацион ресурсларни кўпайтиришга қаратилган Президентимизнинг 2019 йил 25 октябрдаги “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга асосан, экин турлари, суғориш технологияси ва ернинг бонитет баллидан келиб чиқиб ажратиш белгиланган. Яъни, кластерларда, фермер хўжаликларида томчилатиб суғориш тизимлари учун ҳар бир гектаргача 8 миллион сўмдан, ёмғирлатиб суғориш тизимлари учун 4 миллион сўм, дискретли суғориш учун 1 миллион сўм миқдорда молиявий кўмак кўрсатилади. Мазкур қарорда шулар билан бир вақтда кластер тизимида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан пахта-тикувчилик хом ашё етиштирувчиларга

томчилатиб суғориш тизимларини қуриш, реконструкция қилиш ва уларни бутловчи қисимларини сотиб олиб ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкаларидан бир гектарига 20 миллион сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фоизи миқдорда қоплаб берилаётган сувдан фойдаланувчиларни моддий манфаатдорлигини жозибадорлиги ошириб юборилмоқда. Шунинг учун ҳам амалий саъй-ҳаракатлар натижадорлигини ошириш мақсадида 2025 йилгача бўлган даврда мамлакатимиз ҳудудларига хос хусусиятларни ҳисобга олиб тежамкор технологиялар ва инновацион ускуналар қўлланиладиган миқдорни бир миллион гектарга етказиш кўзда тутилган.

Томчилатиб суғоришни ривожлантириш суғорма ҳудудлардаги кластер тизимининг моддий-техника базасини ҳам такомиллаштиради. Бугунги кунгача суғориш қўлланиб келинаётган бошқа суғориш усуллари каби экин майдонларининг ҳар бир ўсимлигига кераклигини бошқа суғориш усуллари каби экин майдонларининг ҳар бир ўсимликларигача керакли миқдорда етказиб беришига мўлжалланган самарали тизим бўлиб, унинг бошқаларидан фарқи шундаки, томчилатиб суғорилганида сув шланглар тешиги орқали бевосита экиннинг илдиз қатламига етказиб берилади. Бу сувнинг миқдори экиннинг сувга бўлган эҳтиёжига мос келади. Натижада экиннинг илдиз қатламида доимий мақбул намлик ҳосил қилиб, экиннинг зарур вақтда сув ва озиқ моддаларини ўзига доимо ўзлаштириб олишга имкон яратади. Бу имконият экин ва мевали дарахтларда зарурий ҳосил тўплашга ёрдам беради. Озуқа моддалари ҳам сув ҳам исрофгарчилигига шароит яратмайди. Томчилатиб суғоришнинг бошқа усулларига нисбатан бир қатор афзалликлари бўлиб, улар ҳосилдорликнинг ортиши ва сифатини яхшилаши, сувни тежаб қолиши ҳамда меҳнат ва молиявий ресурсларининг сарфини камайишда ўзини намоен этганини амалда хорижий тажрибада ва ўзимизда ҳам тасдиқланган. Томчилатиб суғориш натижасида ҳосилдорлик мевали боғларда, токзорларда 40 фоиз, сабзавотларда 80 фоизгача ортади, ҳосиллар 10-15 кун эртaroқ пишади. Айниқса, 2020-2021 йиллардаги мавсумда ғалла экинлари майдонида томчилатиб суғориш натижасида Фарғона вилояти Бешариқ туманининг Ариқбоши маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидаги бешта фермер хўжаликларида

етиштирилган буғдой-ғалладан бир гектар экин майдонидан 100-105 центнердан ҳосил олинди.

Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида республикаимиз минтақа ва ҳудудлари пахта ва бошқа техника экинларини етиштиришда ҳосилнинг эрта пишиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки эрта пишиб етилган пахта хом ашёси юқори навларга сотиш баробарида ҳосил эртароқ йиғиб олиниб, экин майдонларида шудугорлаш юмушлари эрта ҳал бўлса, пишиб етилган пахта уруғ-чигитидаги мойлик даражаси ҳам юқори бўлади. Кластер тизимида ишлайдиганларга пахта чигити мойи ниҳоятда доривордир.

Меъёрий минерал ўғитлар сув билан бирга берилиб, майдондаги ариқ-зовурлар, чиқиндиларни олиниши учун меҳнат-техника сарфланмайди, яъни техникани ишлатиш зарурияти янада камаяди, техникада ишлатилаётган ёқилғи ресурслари камайиб, техника таъмирлаш, механизаторларга иш ҳақи харажатлари иқтисод қилиб қолинди. Томчилатишнинг ижобий жиҳати шундаки, мавсум давомида ерни ҳайдаш ҳам осон кечади, сувчилар қўл меҳнати ҳам енгиллашади. Натижада, меҳнат ёқилғи мойлаш маҳсулотлари, таъмирлаш, эҳтиёж қисмлар, сарф-харажатлари бир неча баробарга камайиб, даромадлилик ўсади.

Хорижий тажриба асосида Ўзбекистонда ҳам 2018 йилда тажриба тариқасида ташкил этилган Самарқанд вилояти Иштихон туманида “Иштихон Нурли давр” ва Нарпай туманида “Мароканд кластер” фермер хўжаликлари ҳамда Сирдарё туманидаги “Пенг Шенг” ўзбек-хитой қўшма корхонаси томонидан 200 гектардан ортиқ майдонда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича лойиҳа амалга оширилган эди. Уларда бу янги суғориш усули кўрсатилган экин майдонларида сувни икки боробар тежаш билан бирга ҳар гектар майдондан 40-45 центнергача пахта ҳосили олинди, буни республика бўйича ўртача ҳосилдорликдан 1,5-1,7 марта юқори кўрсаткичга эришиш имконини берганлиги томчилатиб суғориш усули афзаллигини тасдиқлаб, бошқа ҳудудларда ҳам амалга ошириш масаласи ишлаб чиқилди.

2019-2020 йиллардан бошлаб мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сув тежови суғориш технологияларини ва бошқа инновация усулларини амалга ошириш учун қатор чоратadbирлар белгиланди. Президентимизнинг тавсия ва кўрсатмасига асосан ишлаб

чиқилган агросаноат тармоғида Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, сув хўжалигини тараққий эттиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ва стратегияси, шунингдек, 2021 йил 3 февралда қабул қилинган “Қишлоқ хўжалигида илм-фан ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишининг янада ривожлантириш тўғрисида”ги Президент Фармони соҳа келажагида янги даврни бошлаб берди. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалигини, пахта-тўқимачилик тизимларини ва кластерлаш тизимини моддий-техника базасини илм-фан, ишлаб чиқариш интеграцияси кучайиб, олимлар ҳамда ишчи-хизматчилар ўртасида кўприк ўрнатилади. Алоҳида қайд қилиш лозимки, яқин даврларда қишлоқ хўжалигида олимларимиз ўз ишланмалари билан, амалиётчиларимиз эса ўз кундалик муаммолари билан, олий таълим тизимидаги аграр олимларимиз замонавий талабга жавоб бера олмайдиган маърузалари билан банд эдилар. Оқибатда илм-фан ютуқлари ва амалиёт ўртасида катта бўшлиқ пайдо бўлди. Эндиликда ана шу кемтик тўлдирилиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, соҳа мутасаддилари томонидан бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, прогнозлаштириш ишлари тўғри ва илмий асосланган ҳолда амалга оширилиши туфайли бюджет маблағлари тежалмоқда ва истиқболда иш жойларини ўрганишларига кўра кам харажатли ва энг арзон иш жойлари яратиш кластерлаш тизимига тўғри келаркан. Бунинг учун ер ҳамда сув бўлса кифоя. Бошқа масалалар эса йўл-йўлакай ҳал этиб борилаверади. Шу маънода, 2021 йил мавсумида фойдаланишга киритилган 300 минг гектар қўшимча ер майдони 150 мингта иш жойи (биринчи навбатда ёшлар учун) яратишга замин бўлиш билан ҳам аҳамиятлидир.

Натижада юртимиз жанубида зайтунзорлар, Фарғона вилояти Олтиариқ ва Қува узумзорлари ва олмазорлари майдони ўтган 2020 йилга нисбатан 100 минг гектарга кенгайтирилиб, янги кластерлаш корхоналари очирилишига шароит яратилди. Уларнинг эвазига 12 триллион сўмгача соф фойда олиш имконияти пайдо бўлгани ҳисоб-китоб қилинди. Иқтисодиёт тармоқларининг бошқа соҳаларида битта иш ўрни яратиш саноат ва қишлоқ хўжалигининг бошқа аксарият тармоқларида бир неча минглаб долларни талаб қилса, бунинг учун жой топиш, зарур технологиялар

ИҚТИСОДИЁТ

ва инновациялар харид қилиш, жиҳозлаш ва харажатларга эҳтиёж ортади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда оборотдан чиққан ерларни қайта ишловга жалб қилиш, қўшимча майдонлардан натижадорли фойдаланиш даромад олиш ва иш жойлари яратиш-буларнинг барчаси сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, талабини кун тартибига долзарб қилиб қўяди. Шу сабабдан глобал иссиқликни ошишида Янги Ўзбекистоннинг янги агросиёсатида сувга бўлган меъёр ҳам ўзгормоқда. Ҳозирги шароитда бир куб метр сувдан қанча ҳосил олинади деб эмас, балки экинга шунча сув сарф этиб, пировардида қанча даромад олиш масаласи кўндаланг қўйилмоқда.

Аммо, бу масаладаги муаммо шундаки, суғориш тармоқларининг қўйи бўғини экин майдонларида сув сарфи ва ўлчовининг деярли йўқлиги сабаб, табиийки, уловсиз нарсанинг иқтисоди ҳам бўлмайти. Шу сабаб, сув истеъмолчиларининг манбадан дала-экин майдонининг “занжири”нинг пастки бўғинини кузатсангиз обиҳаёт бехуда сарфланишига, исрофгарчиликларга дуч келинади. Бу Хитой елпиғичига ўхшайди.

Табиатнинг ноёб неъматини ҳисобланган сувни бехуда йўқотилишини олдини олишнинг асосий бўғини бевосита дала-экин майдони бўлса, буни амалга оширувчи шахс сувчидир. Шу боис, энг аввало, миробларнинг иш жойи бўлиши далаларда ушбу шахсларга етарли шарт-шароит ва дам олиш, яратилиб берилишининг ўзиёқ обиҳаётни тежашга имкон беради. Сув тақчиллиги йилларда ва мавсумлардаги шароитда суғориш мавсуми арафасида дала миробларини моддий рағбатлантириш амалиёти йўлга қўйилганини соҳадаги бош мақсад-тежамкорликка ҳизмат қилиш ва кластер тизимини моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг айна мақсадидир.

Агросаноат пахта-тикувчилик саноатининг моддий-техника базасини янада

мустаҳкамлашга Президентимизнинг 2020 йил декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишнинг янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳиятига кўра, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида агросаноатнинг пахта-тўқимачилик кластерлари тизимида инқилобий ўзгаришлар яратади. Чунки, ҳақиқатдан, сув томчиловчи технологиялар жорий қилиш давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги туфайли 2020 йилнинг ўзида қўшимча равишда 133 минг гектар экин майдонида суғоришда ноанъанавий усуллар жорий этилди. 2021 йил республикамизнинг ҳудудларида ва кластерларида 160 минг гектар пахта, 30 минг гектар боғ, 15 минг гектар тоқзорлар, 5 минг гектар бошқа экинзорлар етиштирилиб, томчилатиб суғориш йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, 2021 йилда мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида 160 минг гектар пахта, 30 минг гектар боғ, 15 минг гектар тоқзорларда ва 5 минг гектар бошқа дуккакли ва декоратив экин-дарахтлар етиштириладиган майдонларда томчилатиб суғориш, 14 минг гектар дуккакли экинлар, 2 минг гектар сабзавотлар, полиз экинлари, 2 минг гектар озуқабоп экинлар парваришланадиган дала майдонларида ёмғирлатиб суғориш, 600 гектар пахтазорларда дискретли суғориш теҳнологиялари қўлланиш кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида айтганда, энг аввало, қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи дрейверларидан бири сифатида эътироф этилади, иккинчидан агросаноат пахта-тўқимачилик соҳасидаги кластерлаш тизимини моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади, учинчидан аҳолини “темир”, “аёллар ва ёшлар” дафтарида турганларнинг асосий кўпчилик қисмини иш билан таъминлайди, аграр соҳада кластер корхонасида меҳнат қилишга ва ишлашга ўргатилади.

Адабиётлар:

1. Бушева М.А. Синергия в кластере. Интернат-журнал. Науковедение № 4, 2012.
2. Kaplan Robert S. and David Norton. Using the Balanced Scorecard as a Strategic Management System. Harvard Business Review. По 1. (January-February) 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. –Т., “Адолат”, 1994, қўшимча ва ўзгартишлар бўйича Олий Мажлис қонунининг 2020 йил 29 ноябрдаги қарори.
4. Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисидаги қонун. 1999 й.
5. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 18 июнь 2019 йил.
6. 2017-2021 йилларда Гидротехника иншоотларини такомиллаштириш тўғрисидаги Президент қарори, 2019 йил 10 июль.
7. Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори. 2020 йил 11 декабрь.